

Jismoniy tarbiya va sport sohasi samaradorligini oshirishda fiziologik, pedagogik-psixologik yondashuvlar va fanlararo integratsiyalashuv masalalari

ҲАРАКАТ ТЕХНИКАСИНИ ЎЗЛАШТИРИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШДА ТАНАНИ ФАЗОДАГИ, ВАҚТ БИРЛИГИ ИЧИДАГИ ҲОЛАТЛАРИ ТАВСИФИ

Абдуллаев Абдували,

Жисмоний тарбия назарияси кафедраси профессор в.в.б.

педагогика фанлари номзоди,

Умаров Жавлон

2-курс магистранти

Фарғона давлат университети

Аннотация. Соҳа мутахасисларининг касбий назарий тайёргарлининг муҳим ҳаракатга ўргатиш жараёни ва унда ҳаракат техникасининг асоси ва звеноларини ўзлаштириш ва уни ижросида муҳим бўлган мавжуд тананинг ҳолатларининг тавсифи берилган. Бўлажак соҳа бакалаврлари ва магистранлари, жисмоний тарбия фани ўқитувчилари, спорт тренерлари учунмўлжалланган.

Калит сўзлар. Ҳаракат техникаси, звенолар, деталлари, фазо(бўшлиқ), вақт бирлиги, жисмоний билимлар, тана ҳаракатининг йўли, ҳаракатнинг шакли, ҳаракатнинг йўналиши, ҳаракатнинг амплитудаси

Жисмоний маданият таълими, тарбияси ва спорт назарияси мазмунида инсон танасининг ҳаракатлари тавсифи, вужуди аъзоларининг функцияси ҳақидаги маҳсус назарий билимлар муҳим аҳамият касб этиши ва уни фақатгина касбий назарий билимлар сифатида соҳа мутахасисларигина эмас, мавжуд жамият аъзоларининг барчаси эгаллаши зарурлиги, муаммога оид билимлар шунинг учун ҳам долзарблигини, ундан ҳарбир шахс умрининг сўнги дамларигача фойдаланиш мумкинлиги ҳақидаги билимлар берилган.

Уларни тавсифлаш маҳсус назарий билимларга эга бўлишни тақазо этади. Машхур Рус олими XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошида яшаб ижод этган, кейинчалик “Жисмоний маданият назарияси фанининг отаси деган фахрий унвон соҳибига айланган П.Ф.Лесгафт “ ... ҳарбир инсон ўзи, фарзандлари ва замондошининг ҳаракатларини тавсифлашни ўрганиши ва тахлил қила олиши“ - зарурлигини асослаб илк бор “жисмоний билимлар” тушунчасини фанга киритган.² Мамлакатимизда муаммога оид илмий изланишларни олиб борилмаганлиги, маҳсус адабиётларни тақчиллиги сабабли соҳа бакалаврлари ва магистрларини тайёрлашда касбий назарий тайёргарликнинг ушбу бўлимлари юзаки ўқитилаётганлигини “жисмоний маданият” ҳамда соҳанинг “спорт

² Абдуллаев А. “Жисмоний ҳаракатлар тавсифи” / Дарслик.”Classic” нашриёти, Фарғона - 2023/ 240 б.

Jismoniy tarbiya va sport sohasi samaradorligini oshirishda fiziologik, pedagogik-psixologik yondashuvlar va fanlararo integratsiyalashuv masalalari

йўналиши” битирувчи курс талабаларидан анкета саволларига олган жавобларимиз фикримизни тасдиқлади.

Шунинг учун ҳам мақоламизда инсон жисмининг фазода, вакт бирлиги ичидаги намоён қилинадиган ҳаракатларидан: *тана ҳаракатининг йўли; ҳаракатнинг шакли; ҳаракатнинг йўналиши; ҳаракатнинг амплитудасидек* мавжуд маҳсус ҳаракат фаолиятлари тавсифини беришни мақоламизда мақсаддик. Инсон ҳаракат фаолиятларининг класификациясига кирувч бошқа қатор ҳаракат фаолиятларилари муаллиф яратган жисмоний маданият бакалаврлари учун 2023 йили яратилган дарслигда ўқишни тавсия қиласиз.³

Жисмоний машқдар техникасини ўзлаштиришда, мустаҳкамлашда уни намойиш қилишда *тана ҳаракатининг йўли* (траекторияси) муҳим аҳамиятга эга. Амалиётда тананинг фазодаги ҳолатини, ҳаракатнинг троекторияси (йўли)га қараб тавсифлаймиз. Ҳаракатни бажаришда унинг ижроси учун лозим бўлган ҳаракат траекториясига эришилмаса, ҳаракат ижроси бўйича қўйилган мақсадга эришиш қийинлашади, вактдан ўтқазилади, ортиқча мушак зўриқишилари қилинади, меъридан ортиқ энергия сарфи қилишга тўғри .

Машқни бажаришда тана ҳаракати йўлининг қандай шаклдаги, йўналиши ва ҳаракатнинг амплитудасини лозим даражадагисини белгилай олинса, тана (ёки унинг қисмлари)ни ҳаракатининг йўли тўғри танлансанагина ҳаракатнинг тўғри ўзлаштирилганлигининг самараси аниқ кўзга ташланади.

Инсон организми *анатомиясининг турличалиги, тана аъзоларининг ривожланганлиги симметрияси* бир хил ҳаракатни бажаришни амалга оширишда ҳар бир индивид учун турлича, мувоғиқ ҳаракат йўлини танлашни тақозо этишини билиш ва уни танлаш малакаси соҳа мутахасисининг касбий назарий тайёргарлиги билан боғлик.

Ҳаракатнинг шаклига қараб, уларнинг *тўғри чизиқ бўйлаб* бажарилмоқда деб хулоса келишимиз мумкин. Аслида, кузатишлар шуни кўрсатадики, индивиднинг ҳаракати ҳеч қачон тўғри чизиқ бўйлаб эмас, балки оддий ҳаракатлар ҳам қатор мускуллар гурухининг турли қўринишдаги - эшилии, букилии, чўзилии, қисқарии, узунлигини ўзгартирмай(статик) энергия сарфлаши ва бошқа шаклдаги ҳаракатлар тарзида бажарилишини гувоҳимиз.

Ҳаракат шаклини организмни энергия сарфлаши учун самарали томони юкори бўлиб, тананинг айрим қисмлари, маълум бўлаклардаги ҳаракатлар учун катта куч сарфлашлар билан бажариладиган ҳаракатларни бажариши осон (оз қувват сарфлаш) билан бажариш имкониятини яратилади. Масалан, боксчи зарбаси учун елка

³ Абдуллаев А. “Жисмоний ҳаракатлар тавсифи” / Дарслик.”Classic” нашриёти. Фарғона - 2023/ 240 б.

Jismoniy tarbiya va sport sohasi samaradorligini oshirishda fiziologik, pedagogik-psixologik yondashuvlar va fanlararo integratsiyalashuv masalalari

мускуларининг маълум қисмигина турлича ҳаракат шаклини намоён қилса бас, лозим бўлган кучга эга бўлган зарба ҳосил бўлади.

Ҳаракатнинг йўналиши. Машқнинг ижросидаги самара (эфект) шунда кўзга ташланадики, агар, мушаклар бажарилиши лозим бўлган ҳаракат учун керак бўлган ҳаракат йўналишини юзага келтира олсагина, машқ техникаси аниқ, равон бажарилишига гувоҳ бўламиз.

Масалан, қўлларни тирсақдан қўқрак олдига кафтларни пастга қилиб буқкан ҳолда «ривок»ларнинг бажарилиши қўқрак мускулларини таранглатади ва бўшаштиради. Агар шу ҳаракатни тирсакни бир оз пастга туширсақ, ҳаракат йўналиши ўзгарган ҳолда бажарилса машқ(ҳаракат) дан кутган натижага эриша олмаймиз. Машқдан кўзланган мақсад амалга ошмайди. Чунки, бундай ҳолатда ишлатишимиш лозим бўлган мушаклар гурӯхини ижроди этиши чегараланиб қолишини кузатамиз.

Баскетбол тўпини саватга тушириш учун тўпнинг йўналишини олти градусдан тўрт градусгача ўзгартириш уни саватга тушиш имкониятини йўқقا чиқариши мумкин.

Амалиётда ҳаракатнинг йўналиши тананинг сатҳига ёки бирор мўлжалига қараб белгиланади. Қўлни олдинга кўтаришда биз гавдага нисбатан унинг ҳолатига қараб ҳаракат йўналишини белгилаймиз. Ядрони маълум баландликка ўрнатилган «планка» устидан ошириб иргитишда, бизга мўлжал бўлиб планка хизмат қилади. **Жисмоний маданият ва спорт таълими амалиётида ҳаракатга ўргатилиши жараёнида инсон танаси, пастга-юқорига, олдинга, орқага, ўнга, чапга томон йўналишларда ҳаракатланишини** кузатдик.

Ҳаракатнинг амплитудаси – ҳаракатнинг оғиши. Физикада амплитуда деб маятникнинг тинч ҳолатига нисбатан ўнг ва чапга оғиши (градуслари) тушунилади.

Жисмоний маданият таълими ва тарбияси жараёнидаги ҳаракатга ўргатишда тананинг айrim қисмларининг оғиш ҳаракатлари одам орган ва тузилмаларининг анатомик имкониятларига мос кемаслиги оқибатини билиш муҳим аҳамиятта эга ёки мавжуд оғиш ҳаракатлари ҳаракатни бажаришда максимал оғишларни талаб қилмайди. Лекин, ҳаракат техникасини бажаришдаги бу жиҳатни билмаслик ортиқча зўриқишлирга сабаб бўлиши мумкин. Оғиш билан бажариладиган ҳаракатларда, машқларни бажаришда ортиқча зўриқишлир бу бўлажак шикастланишларга замин яратиши қўп кузатилади. Шунинг учун оғиш ҳаракатлари, катта амплитуда талаб қилинадиган ҳаракатлар, фақат, ҳаракатга ўргатишнинг такомиллаштириш этапидаги машғулотларда бажариш тавсия қилинади. Чунки, таълимнинг бу этапида мушаклар ва бўғинларимиз катта амплитудадаги ҳаракатларни бажаришга тайёр бўлади.

Jismoniy tarbiya va sport sohasi samaradorligini oshirishda fiziologik, pedagogik-psixologik yondashuvlar va fanlararo integratsiyalashuv masalalari

Тўғри йўналишдаги ҳаракатнинг амплитудаси, масалан, оддий қадамлаб юришда унинг узунлиги (75см) ёки шартли белгисига қараб, оддий ўтиришларимиз мисолида - тўла ўтириш, ярим ўтиришдан амплитудаси билан фарқланади. Кузатишлар одам танасининг айрим қисмларининг амплитудаси ўша тананинг бўғинлари, боғловчиларини эластиклиги, мушакларини, тана скелети суюкларини узун, калталиги тенгдошлари билан бир хил машқни бажаришда турлича ҳаракат амплитудасини намоён қилишни талаби жисмоний маданият таълими, тарбияси жараёнида аниқ кўзга ташланиб қолади .

Анатомик жиҳатдан спорт тренировкаси жараёнидаги, турмуш тарзининг турли шароитида бажариладиган ҳаракатлар, катта кўзгалиш жараёни учун мослашмаган мускулни катта амплитудада ҳаракат қилишга мажбур қилиши шикастланишга пойдевордир. Танланган ҳаракат амплитудаси бажариладиган ҳаракат фаолияти учун оғишни аутентлигини танлашда “онтогонез”нинг турли даври учун кўйиладиган талаблар мактаб ёшидалик даврида ўқитилиши муҳим аҳамиятга эга. Танланган ҳаракат амплитудаси кўйилган ҳаракт вазифалари талабларига жавоб бермаса, бундай ҳаракатлар аниқ ҳаракатлар сифатида намоён бўла олмайди.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз лозимки, соҳа мутахасисларининг касбий назарий тайёргарлининг энг муҳим компонентларидан бири саналмиш ҳаракатга ўргатиш жараёнидаги инсон танасининг фазо(макон)даги ҳолатларининг тавсифи инсон ҳаракати техникаси ва унинг асоси ва звеноларини ўзлаштириш ҳамда ҳаракатни(машқни) ни ижросида муҳим бўлган тананинг ҳолатларининг тавсифига мансуб билимларини ўқитилиши соҳа бакалаврлари ва магистрантлари, жисмоний тарбия фани ўқитувчилари, спорт тренерларининг касбий компитентлигини бойитади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ханкелдиев Ш.Х, Абдуллаев А. Ва бошқалар. Соғлом турмуш тарзи жисмоний маданияти, Ўқув қўл. “Фарғона”, 2010-228 б.
2. Абдуллаев А.”Болалар ва ўсмиirlар спорт ўйинлари”/ ўқув қўлланма /Фарғона/.”Classic” нашриёти - 2024 й. 240 б.
3. Беков Б.В.,Ақзамов С.Д. “Спорт педагогик маҳоратни ошириш”. Ўқув қўлланмаси, “Classic nashryot”, iФарғона .2023 145 б.